

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Хафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 4-апрелдан 9- апрелгача)

№32

Тошкент – 2016

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг номи, бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда мухташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили давлатимиз раҳбари сўзбошиси билан “Темур тузуклари” мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Бу йил улуғ бобокалонимизнинг 680 йиллиги кенг нишонланмоқда. Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллуди куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс ва бошқалар Амир Темур шахси, буюк хизматлари, жаҳон тарихидаги ўрни кадр топгани, Соҳибқирон сиймоси Ўзбекистон шаън-шавкати тимсолига айланганини таъкидлади. Бу халқимизни улуғ мақсадларга сафарбар этиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат тимсоли сифатида юксак кадр ва эъзозга лойиқ. Соҳибқирон ўз даврининг энг қудратли давлати асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир. Мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислохотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғун. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темурни англаш – ўзлимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир. Улуғ аждодимиз ўз тузукларида “...амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар”, деб ёзади. Бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилаётгани Соҳибқирон тутуми авлодлари томонидан ҳаётга жорий этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Халққа доим меҳр-мурувватли бўлган Амир Темури адолат ва ҳақиқат учун курашган, салтанатни ҳам ана шу мустаҳкам асосга қурган. Амир Темури даврида фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, дарҳол керакли усқуналар етказилиб, ёрдам берилган. Бугун мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. Бу билан қанчадан-қанча рўзғорлар бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

Бу борадаги ислохотлар Соғлом она ва бола йилида янада кенгаймоқда. Соғлом ва мустаҳкам оила қуриш, меҳнат билан турмушини обод этиш, фарзандларининг ёруғ келажагини таъминлаш юртдошларимизнинг олий мақсадига айланган.

Тадбир қатнашчилари Амир Темури хайкали пойига гуллар қўйди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайридин .Султонов иштирок этди.

* * *

Шу кунни Темурийлар тарихи давлат музейида “Амир Темури ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни” мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Темурийлар тарихига оид энг яхши тасвирий ва публицистик асарлар танлови ғолиблари тақдирланди. Темурийларга оид дурдоналар, нодир қўлёзмалар, истиқлол йилларида Амир Темури ва темурийлар тарихи ҳақидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Амир Темури таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

АМИР ТЕМУРИ ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

Ўзбекистонда буюк саркарда ва давлат арбоби соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан “Амир Темури ғарб адиблари нигоҳида” деб номланган ноёб китоб чоп этилди. Ўзбек тилида ёзилган китоб “Давр Пресс” нашриёт-матбаа ижодий уйида 1000 нусхада чоп этилди. Унда Европанинги ўтган ва ҳозирги кунлардаги ёзувчилари ва адибларининг буюк соҳибқирон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тўпланган. Китобда Кристофер Марло, Вольфганг Гёте, Эдгар По, Хорхе Борхес, Иван Бунин, Льюсен Керен каби атоқли хорижий адибларнинг Амир Темури ҳақидаги сўзлари келтирилган. Мулоҳазалар муаллифлари Амир Темурининг кўп қиррали шахсини ёритганлар ҳамда унинг давлат ва миллатлар ҳаётида тутган тарихий ўрни ҳақида фикрларини билдирганлар. Улардан баъзилари соҳибқироннинг ҳаётидан аввал кенг жамоатчиликка номаълум бўлган қизиқарли воқеа ва далилларни келтирадилар.

Лойиҳа ташаббускори, таниқли ҳуқуқшунос Акмал Саидовга бу китобни 20 йилда тузган.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ўтган мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди. Мажлисда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш яқунлари ва ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди. ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсадларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган “Сяминь – 2015” биргаликдаги ўқув машқлари яқунларига юқори баҳо берилди. Мажлис иштирокчилари ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган хуружларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди. 2016 йилнинг IV чорагида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди.

ТОБИАС ЭЛЛВУД: ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК БРИТАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ КўПЛАБ СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган катор ҳужжатлар, жумладан, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилишга,

иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият, ҳаво транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗА мухбири мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича вазири ўринбосари Тобиас Эллууд билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда изчил ривожланмоқда,– деди Тобиас Эллууд.– Мамлакатингизга ташрифимдан асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама этишдан иборат. Ташриф доирасида қатор вазирлик ва идораларда минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказдик. Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишув менда катта қизиқиш уйғотди. Учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий имкониятлар, Британия Кенгаши ҳамда “Chevening” стипендия дастурининг таълим соҳасига кўмаги ҳам муҳокама қилинди. Мамлакатингизда иш юритаётган британиялик бизнес вакиллари фаолияти билан танишганимдан, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети талабалари, “Chevening” стипендияси соҳиблари билан мулоқот қилганимдан мамнунман. Ўзбекистон келажаги бўлган истеъдодли ёшлар кишининг ҳавасини келтиради. Ўзбекистон билан Буюк Британиянинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятлари кенг. Ўйлайманки, ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатларнинг янги қирраларини кашф этиш, ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

– Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликнинг, жумладан, савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикрларингизни баён қилсангиз.

– Ўзбекистонда Буюк Британиянинг қатор компаниялари иш юритаётгани қувонарлидир. Улар сафини кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида бу масала бўйича фикр алмашдик.

2015 йилда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 105,7 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Буюк Британияга 32,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, Буюк Британиядан Ўзбекистонга 72,9 миллион долларлик товарлар импорт қилинди. Ўзбекистон бозорининг салоҳияти мазкур кўрсаткичларни янада ошириш имконияти катта эканидан далолат беради. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгаши аъзолари икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида самарали фаолият

олиб бормоқда. 1994 йили ташкил этилган мазкур кенгаш мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини янада кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Кенгаш мажлислари Буюк Британия компанияларига Ўзбекистон бозори таклиф этаётган имкониятлар ва кенг қўламли иқтисодий ислохотлар билан яқиндан танишиш, фойдали мулоқот ва учрашувлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини бермоқда. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгашининг сўнгги мажлиси Лондонда 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтди. Ушбу анжуман савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳаларида қатор истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имконини берди. Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасини изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни мунтазам кузатиб бораман. Буюк Британия компаниялари Ўзбекистон тараққиётини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига ишонаман.

– Сизнингча, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик қандай самаралар бермоқда?

– Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатларимиз ўртасида таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга фаол ҳисса қўшмоқда. Уильям Шекспир таваллудининг 450 йиллиги муносабати билан “Ҳамлет” спектакли Ўзбекистонда британиялик ижодкорлар томонидан намоиш этилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида ташкил этилган “Шекспир Ўзбекистонда”, британиялик rassom ва ҳайкалтарош Генри Мур кўрғазмалари ўзбекистонлик санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотгани қувонарлидир. Британия Кенгаши Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштиради, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизда бўлиб, ишчи-ходимларнинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва мулоқотни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари билан танишди. Учрашувда мамлакатимизда фуқароларнинг ўз билим ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани қайд этилди.

“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш, ушбу тизимни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг устувор вазифаларига бағишланган семинар ўтказилди. Семинар қатнашчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатаётган “Бир дарча” марказларининг фаолияти билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни шу йилнинг июнь ойидан кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН ТИВДА АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

2016 йилнинг 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов мамлакатимизга ташриф буюрган Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Даниел Розенблумни қабул қилди. Музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолатлари ва истиқболлари, жумладан, Ўзбекистон-АҚШ сиёсий маслаҳатлашувлари ва Ўзбекистон делегациясининг 2016 йил январь ойида Вашингтон шаҳрида ўтказган музокаралари натижалари муҳокама қилинди. Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион, гуманитар ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни барқарор ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги қайд этилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди. Сухбатда АҚШ элчиси Памела Леора Спратлен иштирок этди.

АБДУЛАЗИЗ КОМИЛОВ ЛАВРОВ БИЛАН УЧРАШУВДА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОСКВАГА ТАШРИФИГА ТАЙЁРЛАНИШ МАСАЛАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

2016 йилнинг 8 апрель куни Москва шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари Кенгашида қатнашаётган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбат давомида томонлар Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг долзарб масалалари, МДҲ кун тартиби, бази халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Икки давлат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашувларига тайёргарликнинг боришини ҳам муҳокама қилишди.

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ ЭЛЧИСИ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ

2016 йилнинг 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Қозоғистон Республикасининг янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси Ерик Утембаевни қабул қилди. Элчи ишонч ёрлиғининг нусхасини топширди. Сухбат давомида икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатлараро алоқаларнинг барча соҳаларидаги босқичма-босқич ва изчил ривожланиши Ўзбекистон-Қозоғистон олий даражадаги мунтазам мулоқотига асосланиши таъкидланди. Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бирidir. 2015 йил якунларига кўра, ўзаро савдо айланмаси 3 млрд АҚШ долларидан ошганлигини кўрсатди. Томонлар транспорт, коммуникация ва транзит соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилишади. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг руҳий яқинлиги ва кўп асрлик тарихига асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари икки томон кун тартибида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, учрашувда бўлажак икки томонлама сиёсий учрашувларнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

ВАЗИФАЛАР ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари соҳа ривожидида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўғил-қизларда спортга қизиқишни оширишда жойларда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим тизимида жорий қилинган уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан ҳам турли мусобақалар, спорт фестиваллари мунтазам ташкил этилмоқда. Ана шундай мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширган мамлакатимиз ёшлари халқаро миқёсдаги турли мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. 2016 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан 251 болалар спорти иншооти, 18 мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 2004-2015 йилларда фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари ва умумтаълим мактаблари спорт залларини қайта жиҳозлаш бўйича манзилли дастурга киритилган 212 спорт иншооти ва 6892 умумтаълим мактабининг спорт заллари 28,3 миллиард сўмлик 93 номдаги спорт анжомлари билан жиҳозланади. 2016-2020 йилларга мўлжалланган дастур асосида вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида 14 янги ихтисослаштирилган олий маҳорат спорт мактаби, замонавий, зарур ускуналар билан

жиҳозланган 225 болалар-ўсмирлар спорт мактаби, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ташкил этиш, барча даҳаларда спорт зоналарини (кўча тренажёрлари, баскетбол халқаси, футбол учун мини майдон) ўз ичига олувчи болалар майдончалари қуриш режалаштирилган.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

РОССИЯДА 417,3 МИНГ ДОНА NEXIA АВТОМОБИЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

Россиянинг «Автостат» таҳлилий агентлиги талқинига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи Nexia автомобили Россиядаги энг оммабоп хорижий автомобиль маркалари рейтингида 7-ўринни эгаллади. Агентлик 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, Россиядаги энгил автомобиллар паркини тадқиқ қилди ва энг оммабоп хорижий маркалар рейтингини тузди. «Автостат» маълумотларига [кўра](#), Россияда 417,3 минг донa Nexia автомобили рўйхатга олинган. Тадқиқот натижаларига кўра, Россияда энг оммабоп марка Toyota Corolla ҳисобланади, Россияда бу моделдан 685,2 минг донa бор. Шунингдек, Ford Focus модели 670,8 донa ва Renault Logan 576,5 минг донa билан мос равишда 2- ва 3-ўринни эгалламоқда.

АВСТРИЯ ҲУКУМАТИ ХАВФСИЗЛИК МАҚСАДИДА ГИТЛЕРНИНГ УЙИНИ ЭГАСИДАН ТОРТИБ ОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Австрия ички ишлар вазирлиги Адольф Гитлер туғилган уйни яна эгасидан тортиб олмоқчи. Бу ҳақида Oberösterreichische Nachrichten газетаси [маълум қилди](#). «Вазирлик қонун доирасида бинонинг экспроприацияси имкониятларини ўрганиб чиқмоқда»,— деди вазирликнинг расмий вакили Карл-Ханс Грундбок. Унинг сўзларига кўра, уйни тортиб олиш — ундан экстремистлар фойдаланмаслиги учун ягона тўғри йўл. Ҳукумат вакили уй эгаси давлат томонидан компенсация олишини таъкидлаб ўтди. Браунау-ам-Инн шаҳридаги уч қаватли бинонинг эгаси Герлинда Поммер ҳисобланади. 1972 йилдаги келишувга мувофиқ, 1889 йилда Гитлер дунёга келган ва уч йил яшаган уй фақат ижтимоий таълим ва давлат муассасаси фаолияти учун фойдаланишга берилади. Кўп йиллар мобайнида бу ер ногиронлар учун иш жойи бўлиб хизмат қилди, аммо охириги уч йил у бўм-бўш турди. Ҳар ой 4,8 минг евро тўлашга тайёр ижарачини топишнинг эса иложи бўлмади.

ИСТАМБУЛ МАРКАЗИДАГИ ПОРТЛАШ ОҚИБАТИДА УЧ НАФАР ИНСОН ЖАБРЛАНДИ

Истамбулнинг марказий Межидиекой худудидаги пиёдалар ўтиш жойи яқинида портлаш содир бўлди. Воқеа натижасида уч нафар инсон жароҳат олган.

Маълум бўлишича, портлатувчи қурилма ўтиш йўлидан унча узоқ бўлмаган жойда нейлонли сумка ичига ташлаб кетилган. Аввалроқ, “Ислом давлати” террористик гуруҳининг жангарилари Озарбайжон ва Туркияда қатор терактларни амалга оширишни режалаштиргани ҳақида хабарлар тарқалган эди.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ШАРТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Озарбайжон президенти Илхом Алиев Қорабоғ можаросини бартараф этиш борасидаги ўз фикрини билдирди. “Муаммони ҳал этиш жуда оддий: биринчи навбатда, арман қуроли гуруҳи улар томонидан босиб олинган ҳудудни тарк этади, озарбайжон фуқаролари ўз ерларига қайтиши лозим. Шундан сўнг минтақада тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши мумкин”,- дея таъкидлаган Озарбайжон президенти мамлакатнинг биринчи чорак ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишланган ҳукумат йиғилишида. “Озарбайжон ўз ерини ҳимоя қилмоқда. Биз бошқа давлат ерига кўз олайтирмаймиз. Ва ўз еримизни бировга бериб қўймаймиз. Ва ҳеч кимга озарбайжон ерларида иккинчи арман давлати ташкил этишларига йўл қўймаймиз”, дея фикрини давом эттирган президент.

Ш. МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ РИВОЖИ

Улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётгани ёшлар қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдирмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат маркази”да бўлиб ўтган “Амир Темур даврида илм-фан, санъат ва маданият ривожини” мавзусидаги давра суҳбати ҳам талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Унда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Давлатёр Жумабоев, Тарих факультети декани Муродулла Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг улуғ номи тикланиб, 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилингани, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда бу аждодимизнинг мухташам ҳайкаллари қад ростлагани, 2011 йили давлатимиз раҳбари сўзбошиси билан “Темур тузуклари” мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилгани халқимизнинг ғурури ҳамда ифтихонига айлангани ҳақида атрафлича сўз юритдилар.

Бобокалонимиз Амир Темурнинг таваллудининг 680 йиллиги айна кунларда юртимизда ва халқаро миқёсда нишонланаётгани бугунги авлодлар қалбида ҳам чексиз ифтихор туйғусини жўш урдирмоқда.

Давра суҳбатида тарихчи олимлар Жумабой Раҳимовнинг “Соҳибқирон Амир Темур – адолат ва кудрат тимсоли”, Аброр Хидировнинг “Амир Темур тарихий портретига чизгилар”, “Амир Темур ва темурийлар даврида таълим тизими”, филология фанлари номзоди, доцент Тўлқин Эшбекнинг “Адабиётларда Амир Темур сиймосининг акс этиши” мавзуидаги маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

АМИР ТЕМУР ҲИКМАТЛАРИ – ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДА

Буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллуди олдидан ўтказилаётган анжуманлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

2016 йил 7 апрел куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат маркази”да “Соҳибқирон Амир Темур ҳикматлари – жаҳон эътирофида” мавзуидаги маърифий тадбир ўтказилди.

Унда иштирок этишган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Давлатёр Жумабаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Халқаро Амир Темур жамғармаси ўринбосари Тўлқин Ҳайит, ёзувчи Бахтиёр Ҳайдаров ва бошқалар талаба-ёшларга буюк сарқарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид сермазмун маърузалар қилдилар.

Таваллудига 680 йил тўлган буюк аждодимизнинг “Темур тузуклари” асарини теран нигоҳ билан ўрганиш ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини жўш урдириши алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, мазкур китобда Соҳибқирон ўғитларининг илмий асоси, бадиий тасвири билан боғлиқ жиҳатлар ўз аксини топган.

Давра суҳбатида “Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни”, “Соҳибқирон ўғитларининг инсонпарварлик моҳияти”, “Амир Темур давридаги ижтимоий-ахлоқий ҳаёт”, “Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётида Амир Темур сиймосининг яратилиш жараёнлари”, “Соҳибқирон Амир Темур ўғитларининг инсонпарварлик моҳияти” мавзулари талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Иқтидорли талабалар “Темур тузуклари” асаридаги ҳикматлардан намуналар ўқидилар. Тошкент маданият коллежи ўқитувчилари ва талабалари ижро этишган мумтоз куй-қўшиқлар даврага янада файз киритди.